

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30. 12.2019. Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВ МАЪМУРЖОН ФОЗИЛЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ
АҲВОЛИ ҲАМДА УЛАРГА БЎЛГАН МУНОСАБАТНИНГ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ (1980 – 2019 йй.)**

07.00.01. – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

УЎК: 719:72(575.1)“1980/2019”

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Расулов Маъмуржон Фозилжонович

Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларнинг аҳволи ҳамда уларга бўлган муносабатнинг трансформацияси (1980–2019 йй.).....3

Расулов Маъмуржон Фозилжонович

Состояние исторических и культурных памятников Узбекистана и трансформация отношения к ним (1980–2019 гг.).....25

Rasulov Ma'murjon Foziljonovich

The state of historical and cultural monuments of Uzbekistan and the transformation of relations to them (1980–2019).....47

Эълои қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30. 12.2019. Таг.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВ МАЪМУРЖОН ФОЗИЛЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ
АҲВОЛИ ҲАМДА УЛАРГА БЎЛГАН МУНОСАБАТНИНГ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ (1980–2019 йй.)**

07.00.01. – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАИЛЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Тар37 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-tarix.nuu.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Маврулов Абдухалил Абдулхасвич тарих фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Исмоилова Жаннат Хамидовна тарих фанлари доктори, профессор Ражабов Қахрамон Кенжаевич тарих фанлари доктори, профессор
Етақчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019. Таг.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "12" 11 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22 рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй.). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил "06" 11 кун тарқатилди.
(2020 йил "___" _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).


Х.Э. Юнусова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.б., т.ф.д., профессор.


Д.Ж. Ураков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент.


Н.У. Мурсав
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тарихий-маданий ёдгорликлар ва меъморий обидаларни сақлаш, консервация ва реставрация қилиш, уларнинг умрини узайтириш ҳамда келажак авлодга етказиш жаҳон миқёсидаги асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада ЮНЕСКО, ИКОМОС (Ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойларни сақлаш бўйича Халқаро кенгаш), ИКОМ (Халқаро музейлар кенгаши) каби халқаро ташкилотлар фаолиятини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, моддий меросни сақлаш ҳамда туризмни ривожлантириш масаласи халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараён қадимий меъморий обидаларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва инсоният цивилизациясининг маданий мероси сифатида сақлаб қолиш нақадар долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Дунёнинг турли мамлакатларида тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш ва муҳофаза қилиш борасида катор илмий-тадқиқот марказлари томонидан тарихий-маданий ёдгорликларни яратиш, таъмирлаш ва тиклаш, улардан фойдаланишга замонавий технологияларни жорий қилиш, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги меъморий объектларни халқаро меъёрий талабларга мос ҳолда реконструкция қилишга қаратилган изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, собиқ совет даврида тарихий ва маданий объектларга бўлган муносабат ҳамда мустақиллик йилларида маданий меросга бўлган қарашларнинг ўзгариши устувор мавзулардан саналади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, миллий қадриятлар ва маданий меросга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларга бўлган муносабат ўзгарди. Жумладан, тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш, реставрация ва консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Зеро, “тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва келажак авлодга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири”¹ сифатида эътироф этилмоқда. Республика ҳудудида сақланиб қолган тарихий-маданий ёдгорликлар (меъморий иншоотлар, археология объектлари ва бошқалар)ни сақлаш, муҳофаза қилиш, улардан ички ва ташқи туризмни ривожлантиришда ҳамда маданий-маърифий мақсадларда фойдаланиш алоҳида илмий ёндашувни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ–4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ–4068-сон “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018

¹ Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимда сўзлаган нутқи // <https://uz24.uz/politics/>

йил 10 сентябрдаги Ф-5361-сон “Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реставрация, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги ВМҚ-200-сон “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофиза қилиш ва улардан фойдаланиши янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотланган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон ҳудудидаги меъморий обидалар ҳамда иншоотларнинг тадқиқ этилиши ва бу борадаги дастлабки илмий асарларнинг яратилиши, асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Мавзуга доир илмий адабиётларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсад мувофиқ бўлади.

Биринчи гуруҳга чор Россияси ҳамда совет даврида яратилган илмий-тадқиқотлар киради. Ушбу икки давр адабиётларининг бир гуруҳга киритилганлиги сабаби, мустамлакачилик даври олимларининг деярли кўпчилиги совет тузуми даврида ҳам ижод қилганликлари ҳамда уларнинг тадқиқотлари совет нашриётларида эълон қилинганлиги билан изоҳланади. Бу борадаги дастлабки тадқиқотлар Н.И.Вессловский, В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин, Б.Н.Засипкин, А.А.Семёнов, Д.И.Нечкин, И.И.Умняков, В.А.Шишкин, А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, М.Е.Массон² каби йирик олимлар томонидан амалга оширилган.

² Вессловский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве с древнейших времен до настоящего. – Санкт-Петербург, 1877; Его же. О надгробном памятнике Тимура (Тамерлана) в Самарканде. Известия о занятиях VII Археологического съезда в Ярославль. – Ярославль, 1887; Его же. Памятник Ходжи Ахрара в Самарканде. 1895; Его же. Мечеть Биби-Ханым. 1899; Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан / Сочинения. – Москва: Наука, 1966. Т. IV.; Нечкин Д.И. Задачи и ближайшие цели Комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы в Средней Азии // Известия Среднеазиатского комитета. Вып. 1. – Ташкент, 1926; Вяткин В.Л. Гур-Эмир. – Самарканд, 1906; Его же. Памятники древности Самарканда. – Самарканд, 1929; Умняков И.И. Охрана памятников старины и искусства в советском законодательстве Средней Азии // Известия Среднеазиатского комитета. Вып. 1. – Ташкент, 1926; Его же. Архитектурные памятники Средней Азии. – Ташкент, 1929; Массон М.Е. Регистан и его минарет. – Ташкент: Узгиз, 1926. № 2; Его же. Мавзолей Гур-Эмир усыпальница Тимуридов // Средне-Азиатский Комитет по делам музеев и охране памятников старины, искусства и природы (Среднеазиатский комитет). – Ташкент, 1926; Его же. Регистан и его медресе // Средне-Азиатский Комитет по делам музеев и охране памятников старины, искусства и природы (Среднеазиатский комитет) экскурсия по Самарканду. – Ташкент, 1926; Его же. Соборная мечеть Тимура известная под именем мечети Биби-Ханым: историческая литература // Культурно-исторические экскурсии по Самарканду. Узбекский комитет по делам памятников культуры и природы (Узкомстарис). – Самарканд, 1929; Его же. Обсерватория Улугбека: монография. – Ташкент: УзФАН, 1941; Его же. Падающий минарет. – Ташкент, 1968; Шишкин В.А.

Совет даврида яратилган ва тарихий-маданий ёдгорликлар муаммоларига бағишланган тадқиқотлар сирасига Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, Н.Б.Немцева, А.Ҳаққулов, П.Ш.Зоҳидов, И.М.Азимовлар³нинг асарларини, М.А.Салимов, Ф.М.Ашрафий, И.В.Исроилов, К.С.Крюков⁴ ва бошқаларнинг илмий мақолаларини киритиш мумкин. Бундан ташқари, В.А.Нильсен, Ю.Р.Раҳматуллаев, И.М.Азимов, Р.Сенцова⁵ларнинг диссертацияларида Ўзбекистонда тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганиш, сақлаш билан боғлиқ айрим муаммолар тадқиқ этилган.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича Г.А.Пугаченкова, Н.Б.Немцева, А.Ҳаққулов, П.Ш.Зоҳидов, М.Қ.Аҳмедовлар⁶нинг асарлари

Медресе Улугбека в Гянджуване. – Ташкент, 1933; Исмаилов Б.Н. Памятники архитектуры в Средней Азии и их реставрация. – Москва, 1926; Его же. Архитектурные памятники Средней Азии. – Москва, 1928; Его же. Архитектура Средней Азии. – Москва, 1948; Якубовский А.Ю. Самарканд при Тимуре и тимуридах в XIV–XV вв. – Ленинград, 1933.

³ Пугаченкова Г., Ремпель Л. Бухара. (Узбекистан) (Серия "Сокровища культуры народов СССР"). – Москва, 1949; Памятники архитектуры Средней Азии эпохи Павлов. – Ташкент, 1937; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Ташкент, 1938; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. – Ташкент, 1960; Мавзолей Араб-ага. (Из истории архитектуры Мавэранныра IX–X вв.). – Ташкент, 1963; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века. – Москва: Искусство, 1965; Халчаия. К проблеме художественной культуры Северной Инстрии. – Ташкент: Фан, 1966; Самарканд. Бухара. (По древним памятникам). (Серия "Архитектурно-художественные памятники городов СССР"). – Москва: Искусство, 1961. 2-е изд. 1968; Скульптура Халчаия. – Москва: Искусство, 1971; Зодчество Центральной Азии, XV век: Ведущие тенденции и черты. – Ташкент, 1976; Термез. Шахристан. Хива. (Серия "Архитектурно-художественные памятники городов СССР"). – Москва: Искусство, 1976; 1979; Её же. Шахи Зинда: альбом. – Ташкент: Издательство литературы и искусства им. Гафура Гулима, 1987; Её же. Раннесредневековая усадьба и замок у городища Бабатепе на юге Узбекистана // Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана. В свете новых открытий Узбекстанской археологической экспедиции. – Ташкент: Фан, 1989; Ҳаққулов А. Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш. – Тошкент, 1983; Зоҳидов П.Ш. Традиция народных зодчих Узбекистана. – Москва, 1964; Его же. Самаркандская школа зодчих. – Ташкент, 1965; Үша муаллиф. Ўзбек мезморчилиги усталари. – Тошкент, 1967; Үша муаллиф. Мезмор санъати. – Тошкент, 1978; Азимов И.М. Фаргона водийсининг архитектура ёдгорликлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. ва бошқалар.

⁴Монументальная скульптура в современном градостроительстве Узбекистана // Строительство и архитектура Узбекистана. 1980. № 4. – С. 4-7; Салимов А.М. Приспособление памятников архитектуры Бухары для современных функций // Строительство и архитектура Узбекистана. 1980. № 4. – С. 28-31; Ашрафи Ф.М., Крюков К.С. Итоги X пятилетки и перспективы развития органов охраны и пользования памятников культуры XI пятилетки // Строительство и архитектура Узбекистана. 1981. № 6. – С. 4-5; Исроилов И.В., Крюков К.С. Организационные формы охраны и реставрации памятников архитектуры Узбекистана (1920-1980 гг.) // Архитектура и строительство Узбекистана. 1991. № 2. – С. 9-13.

⁵Нильсен В.А. Монументальная архитектура Бухары XI–XII века (К вопросу о возникновении средневековой архитектуры в Средней Азии). Дисс. к.и.н. – Ташкент, 1948; Раҳматуллаев Ю.Р. Из истории охраны и изучения памятников зодчества в Узбекистане. Дисс. к.и.н. – Ташкент, 1963; Азимов И.М. Архитектурные наследие Ферганской долины XVIII – начала XIX в. Дисс. к.и.н. – Ташкент, 1990; Сенцова Р. Становление и развитие законодательства об охране памятников истории и культуры в Узбекской ССР (1917–1990 гг.). Дисс. к.ю.н. АН УзССР ин-т философии и право. – Ташкент, 1990.

⁶ Пугаченкова Г.А. Архитектурное наследие Темура. – Ташкент, 1996; Немцева Н.Б. Ханак Сайф ад-Дина Бахарзи в Бухаре: к истории архитектурного комплекса. – Бухара, 2003; Её же. Рабат-и Малик, XI – начало XVIII вв.: археологические исследования. – Ташкент: Французский Институт Исследований Центральной Азии, 2009; Ҳаққулов А. Таъмир санъати. – Тошкент: Меҳнат, 1991; Зоҳидов П.Ш. Мезмор олами. – Тошкент, 1996; Үша муаллиф. Темур даврининг мезморий қадқашони. – Тошкент, 1996; Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё мезморчилиги тарихи. – Тошкент, 1995; Үша муаллиф. Мезморий мерос. – Тошкент: Фан ва

яратилди. Шу билан бирга, М.А.Мирзаев, Х.С.Исломуҳжасев, А.Р.Абриевлар⁷нинг илмий-тадқиқотлари ҳам республикамиздаги тарихий-маданий ёдгорликлар муаммоларига бағишланган.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ҳукумати⁸нинг маданий-маърифий соҳаларда олиб бораётган фаолияти халқаро майдонда эътироф этилди. Республикадаги тарихий-маданий ёдгорликларни тадқиқ қилиш ва дунё илм аҳлига етказишда хорижий тадқиқотчиларнинг асарлари ҳам диққатга сазовордир. Булар жумласига А.А.Беннигсен, С.М.Горшенина (Ўзбекистонда туғилиб-ўстан ва 1996 йилда тарих фанидан номзодлик диссертациясини ёқлаган, ҳозирда Францияда яшаб, илмий-тадқиқотлар олиб боради – Р.М.), Фредерик Бопертюи-Брессанд, Клод Рапин⁸ каби олимларнинг илмий-тадқиқотларини киритиш мумкин. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, француз советшунос олими А.А.Беннигсен асарларида, асосан, СССРда ислом дини ва мусулмонлар ҳаётини ёритиш билан биргаликда, Ўзбекистондаги мсьморий обидаларнинг асосий қисмини ташкил этган масжид ва мадрасаларнинг аҳволи ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Санаб ўтилган тадқиқотларга қарамай, 1980–2019 йилларда республикада ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш-тиклаш ва улардан фойдаланиш тарихини қиёсий таҳлил асосида ёритиб бериувчи тадқиқот яратилганича йўқ. Шунинг учун бу борада илмий изланишлар олиб бориш мақсад қилиб қўйилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот рсжасининг “Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий-маданий ва археологик ёдгорликларнинг ўлка тарихини ўрганишдаги аҳамияти” мавзусидаги тадқиқот доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1980–2019 йилларда Ўзбекистонда мавжуд бўлган тарихий-маданий ёдгорликларнинг ҳолати ва уларга бўлган муносабатнинг трансформациясини очиб беришдан иборат.

технология, 2011; Ўша муаллиф, Назарова Д.А., Ҳасанов А.О. Ўзбекистон архитектура си ва шаҳарсозлигининг тараққиёт йўллари. – Тошкент, 2016 ва бошқалар.

⁷Мирзаев М.А. Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва ўрганиш ишларини ташкил топиши ва ривожланиши (1917–1941 йиллар). Т.ф.и. дисс. – Тошкент, 1994; Исламхолжаев Х.С. Государственное управление в области охраны и использования памятников истории и культуры Узбекистана. Дисс. к.ю.н. – Ташкент, 1998; Абриев Р.Б. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий-мсьморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш тарихи (Зарафшон воҳаси мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2018.

⁸Bennigsen A.A. Soviet strategy and islam. London, 1989; Bennigsen A.A., Enders Wimbush S. Islam in the Soviet Union. London, New York, 1979; Bennigsen A.A. Muslim National Communism in the Soviet Union: a revolutionary strategy for the colonial world, Chicago, 1979; Bennigsen A.A. Muslims of the Soviet Empire. A Guide, Bloomington, Ind., 1986; Bennigsen A.A., Broxup M. The Islamic Threat to the Soviet State. London, 1983; Beaupertuis-Bressand F. L'or bleu de Samarkand. L'Union Linotypiste. Paris. 1997; Gorshenina S.M. La Route de Samarcande (L'Asie centrale dans l'objectif des voyageurs d'autrefois). Editions Olizane. Genève. 2000; Gorshenina S.M. et Claude Rapin. De Kaboul à Samarkande (Les archéologues en Asie centrale). Découvertes Gallimard archéologie. Gallimard. 2001.

Тадқиқотнинг вазифалари:

совет даврининг сўнги босқичида тарихий ва маданий ёдгорликларнинг аянчли аҳволга тушиб қолиш сабабларини аниқлаш;

совет тузуми даврида тарихий ва маданий ёдгорликлардан фойдаланишнинг шакл ва усулларини ўрганиш ҳамда уларнинг хусусиятларини очиб бериш;

истиклол йилларида тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш, улардан фойдаланиш ҳуқуқий асосларининг яратилиш жараёни ва классификациясини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

мустақиллик йилларида тарихий ва маданий ёдгорликларни тиклаш ҳамда сақлаш борисида амалга оширилган ишлар динамикасини аниқлаштириш ва таҳлил қилиш;

тарихий ва маданий ёдгорликлардан маънавий-маърифий мақсадларда фойдаланишнинг шакл ва усулларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

тарихий-маданий ёдгорликларнинг ички ва халқаро туризмини ривожлантиришдаги ўрнини кўрсатиб бериш ҳамда бу соҳадаги ютуқ ва муаммоларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган тарихий-маданий ёдгорликлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини 1980–2019 йилларда тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ва тиклаш, улардан фойдаланиш масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихийлик тасвофиси, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, таснифлаш, муаммовий-хронологик каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

1980 йилларда тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш-тиклаш борисида амалга оширилган ишлар аксарият ҳолларда бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мослаштирилган бўлиб, натижада кўплаб меъморчилик обидалар лойиҳаларининг ўзгартирилиши, уларнинг ўз мазмун-моҳиятидан бегоналаштирилиши ва тарихий қадр-қимматини пасайтириш, ҳатто айрим ёдгорликларнинг тарихий хусусиятини бутунлай йўқотишга олиб келганлиги аниқланган;

тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, сақлаш ва таъмирлаш-тиклаш ишларида вужудга келган муаммоларда бир томондан инсон омили иккинчи томондан табиий-экологик вазият ҳам салбий таъсир кўрсатиб, мутасадди ташкилотлар томонидан тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилиши жараёнида аграр, қурилиш, савдо-кооператив ташкилотлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, ҳарбий қисмлар, айрим ҳолатларда соҳага оид муассасаларнинг ўзлари томонидан ёдгорликларга қатта зарар etkazилганлиги очиб берилган;

мустақиллик йилларида тарихий-маданий меросдан маданий-маърифий мақсадларда фойдаланиш шаклларида кескин трансформацион жараёнлар

кузатилиб, кўлаб мсЪморий иншоотлар (масжид ва мадрасалар) Ўз функциясини бажариш баробарида ёш авлод онгига миллий ва диний кадрятларни сингдириш, маданий меросни кенг тарғиб қилиш мамлакат аЪолиси, айниқса, ёш авлод онгида тарихий тафаккурни шакллантириш, аждодлар мероси, миллий анЪана ва кадрятларга хурмат хиссини уйЪотиш учун хизмат қила бошлаганлиги асосланган;

мамлакат худудидаги мавжуд тарихий-маданий обидаларни таЪмирлаш ва тиклаш ишларини моддий жиҳатдан таЪмишлаш, шунингдек, туризмни даромад келтирувчи муЪим тармоққа айлантириш борасида ишлар амалга оширилиши жараёнида тарихий-маданий ёдгорликлар мажмуалари халқаро ва республика миқёсида маданий-маЪрифий тадбирлар Ўтказиладиган масканга айланиб, улар соҳада миллий брендни яратишга хизмат қилаётганлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тарихий-маданий ёдгорликларнинг Ўтган асрнинг 80-йилларидаги ҳолати ҳақида маълумот берувчи архив ҳужжатлари илмий муомалага киритилган;

тарихий-маданий ёдгорликларни рўйхатга олиш, муҳофаза қилиш борасидаги ишлар жараёнида давлат муҳофазасига олинган маданий мерос объектлар ҳолатидаги Ўзгаришлар очиб берилган;

тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланишнинг замонавий йўналишларини такомиллаштиришга оид маълумотларни халқимизга таЪсирчан етказиш борасида илмий-амалий тақлифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда мустақиллик даври тарихини тадқиқ этишда ва Ўқув жараёнида моддий маданий мероснинг роли ҳамда аЪамияти тарихий ва илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда собиқ ЎзССР Министрлар Совети, ЎзССР Маданият вазирлиги, Маданий ёдгорликлар илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси (ГлавНПУ – ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти), Илмий-услубий кенгаш (НМС), Махсус илмий-таЪмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси (СНРПМ), Узкомстарис, Ўзбекистон маданий ёдгорликларни консервациялаш ва таЪмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти (УзНИПИ), Экспериментал ҳайқалтарошлик ишлаб чиқариш комбинати (ЭСПК), “МеЪмор” бирлашмаси, Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамяти, “Олтин мерос”, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ЎзМА фондларида ҳамда жорий архивларида сақланаётган ҳужжатлари каби бирламчи манбалардан фойдаланилганлиги, бундан ташқари, тарих фанида эътироф этилган услуб ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, тадқиқот натижаларидан келиб чиққан тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юртимиздаги маданий ёдгорликлар тарихини ўрганиш бўйича ўтказиладиган тадқиқотларда, республикада ички ва халқаро туризмини ривожлантиришда, ёдгорликлар ва меъморий мажмуаларнинг маънавий ҳаётда тутган ўрнини ёритишга хизмат қилиши мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Ўзбекистон тарихи”, “Санъат тарихи”, “Маданият тарихи”, “Жаҳон цивилизациялари тарихи”, “Тарихий ўлкашунослик” каби фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, уларни таъмирлаш-тиклаш ва улардан фойдаланиш, мустақиллик йилларида уларга бўлган муносабатнинг ўзгариши тарихини тадқиқ этиш давомида олинган илмий натижалар асосида:

мустақиллик йилларида тарихий-маданий меросдан маданий-маърифий мақсадларда фойдаланиш шаклларида кескин трансформацион жараёнлар натижасида Пир Сиддиқ мажмуаси, Киргил ота мазор зиёратгоҳи, Саид Аҳмад Эшон, Ғозиён (буғунги кунда мавжуд), Қози Калон (1956 йилда бутунлай бузиб ташланган) мадрасаларига таъсири ҳақидаги илмий маълумотлардан мазкур маданий мерос объектларининг тарихини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги 2019 йил 8 ноябрдаги 01-12-14-5609-сон маълумотномаси). Мазкур маълумотлар ёш авлод онгига миллий маданият ва диний қадриятларни сингдириш, маданий меросни кенг тарғиб қилиш мамлакат аҳолиси, айниқса, ёш авлод онгида тарихий тафаккурни шакллантириш имконини берган;

тадқиқот иши доирасида олинган тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, сақлаш ва таъмирлаш-тиклаш ишларида вужудга келган муаммоларни баратараф қилишга оид илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси миллий телерадиокомпаниясининг “Dunyo bo‘ylab” телеканалида 2019 йилда эфирга узатилган “Экспедиция” илмий-маърифий кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси миллий телерадиокомпанияси “Dunyo bo‘ylab” телеканали” давлат унитар корхонасининг 2019 йил 1 августдаги 08-14-337-сон маълумотномаси). Бунда, тақдим этилган маълумотлар мақбара ва зиёратгоҳнинг ички туризм, хусусан, зиёрат туризмининг ривожлантиришдаги аҳамиятини оширишга, ёшларни улуғ алломаларимиз яратган бебаҳо меросни ўрганиш, уни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишларини янада кучайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 8 та республика анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий мақола чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, хорижий журналларда 1 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, иловалар, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот предмети ва объекти, тадқиқотнинг даврий чегараси, ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ҳамда ҳимояга олиб чиқиладиган асосий масалалар баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби “Совет даврининг сўнгги босқичида тарихий ва маданий ёдгорликларнинг аҳволи ҳамда улардан фойдаланиш муаммолари” деб номланган бўлиб, мазкур боб икки параграфдан ташкил топган. Ушбу бобнинг биринчи параграфи “Совет даврининг сўнгги босқичида тарихий ва маданий ёдгорликларнинг аҳволи” деб номланган бўлиб, унда XX асрнинг 80-йилларидан то Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар бўлган даврда республикадаги тарихий ва маданий ёдгорликларнинг аянчли аҳволи, уларни сақлаш ва муҳофаза қилиш борасидаги муаммолар, хусусан, совет тузумининг маъмурий-бўйруқбозлик тизими шароитида тарихий обидалар, турли меъморий иншоотларга бўлган муносабатда мафкуравий нуқтаи назар ҳукмрон бўлганлиги оқибатида, кўшаб маданий мерос объектларининг вайронага айланганлиги, айрим ҳолларда батамом бузиб ташланганлиги тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Ишда совет мафкурасининг даҳрийлик ғояси ўзбек халқи маънавий мероси бўлмиш тарихий ва маданий ёдгорликларга катта зарар етказганлиги архив материаллари асосида батафсил ёритиб берилган.

Совет даврида Октябрь тўнтариши билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар шарафига, унинг раҳнамолари хотирасига агаб йирик-йирик иншоотлар, меъморий ёдгорликлар барпо қилинди. Давлатчилигимиз тарихига, маънавиятимиз ва миллий қадриятларимизга ёт бўлган мазкур иншоотлар учун миллионлаб маблағлар сарфланди. Бундай ёдгорликларни таъмирлаш ҳам ҳукумат диққат марказида турган. 80-йилларда газеталарнинг бири шундай ёзган эди: “Инқилоб, фуқаролар уруши, босмачиларга қарши кураш, Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақамлаш, ер-сув ислоҳоти, Улуғ Ватан уруши, меҳнат қаҳрамонлари хотирасига ўрнатилган ёдгорликларни сақлаш ҳамда таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда”⁹.

Адолат юзасидан шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда совет даврида ҳам қадимий ёдгорликлар муҳофазаси ва уларни сақлаш ҳамда таъмирлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилган. Масалан, 1920

⁹ Ёдгорликларини эъзозлайлик // Ўзбекистон маданияти. 1980. 12 сентябрь.

йилдан то 1980 йилга қадар жами 240 та меъморчилик ёдгорликларида консервация ва таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилган¹⁰. 1970 йилда Самарқанд шаҳри 2500 йиллик юбилейининг ЮНЕСКО иштирокида нишонланиши муносабати билан бу ердаги бир қанча меъморчилик ёдгорликларида таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилган.

Тарих ва маданият ёдгорликлари муҳофазаси ва таъмирлаш ишлари билан боғлиқ ташкилотларни бирлаштириш ҳамда назорат қилиш мақсадида 1979 йилнинг 24 февралда Маданий ёдгорликлар илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси (ҳозирги Маданий мерос департаменти – Р.М.) тузилди. Унинг таркибига 1976 йилда ташкил қилинган “Меъмор” махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш бирламаси, Экспериментал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинати, Кўрғазма ва панорамалар дирекцияси, республика музейлари ва Махсус илмий-таъмирлаш лойиҳа устахоналари киритилди.

1979 йилнинг 11 июлида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори билан Тошкент махсус илмий-таъмирлаш лойиҳа устахонаси Ўзбекистон маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва консервациялаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти (УзНИПИ) сифатида қайта тузилди.

“Меъмор” бирламаси томонидан 1977 йилда 2 млн 983 минг рубллик, 1979 йилда эса 5 млн 926 минг рубллик ёдгорликларни тиклаш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. 1980 йилга эса 6,5 млн рубллик таъмирлаш ишлари режалаштирилди¹¹. “Меъмор” бирламасининг маълумотларига кўра, 1979 йилда Бухородаги Тоқи Телпақфурушон, Самарқанддаги Бибихоним масжидининг йиқилган гумбази қайта тикланди. Регистон ансамблига кирган Тиллақори масжиди кўк гумбаз билан ёшилди, ички қисми тилларанг тусда ишлов берилган ва асл ҳолига келтирилган. Шахрисабзда Кўк гумбаз масжиди таъмирланган. Булдан ташқари, Бухородаги Нодир Девонбеги хонақоси ва мадрасасида, Тоқи Заргарон гумбалида, Болоҳовуз, Улуғбек, Абдулазизхон, Тошкентдаги Юнусхон мадрасаларида, Хивдаги кўҳна арк меъморчилик мажмуасида, Ҳасанмурод қушбеги, Отамурод қушбеги мадрасаларида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилган. Булдан ташқари, ЎзССР ФА Археология институти томонидан Қашқадарё вилоятининг археологик харитаси тузиб чиқилган. Унга 500 дан ортиқ археологик ёдгорликлар киритилган¹². Ўзбекистон маданий ёдгорликларни консервациялаш ва таъмирлаш, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти томонидан 1979–1980 йиллар давомида Ўзбекистоннинг 50 дан ортиқ меъморий ёдгорликлар объектларида илмий-текшириш ҳамда лойиҳа-тадқиқот ишлари олиб борилган. Улар орасида Самарқанддаги Бибихоним ва

¹⁰ Крюков К.С. Организационные формы охраны и реставрации памятников архитектуры Узбекистана (1920–1980 гг.) // Архитектура и строительство Узбекистана. 1991. № 2. – С. 12.

¹¹ Обидаларга умр бағишлаб (“Меъмор” бирламаси бош директори Қ.А.Абдуллаев билан суҳбат) // Совет Ўзбекистони. 1980. 22 январь.

¹² ЎзТАГ муҳбири. Муҳофазага олинди // Ўзбекистон маданияти. 1980. 11 март.

Улуғбек мадрасалари, Бухородаги Масжиди Калон, Хивадаги Ичан қалъа шаҳар-қўриқхонасидаги объектлар ва бошқалар бор эди¹³.

Маибалар таҳлили шундан далолат берадики, XX асрнинг 80-йиллардан то республика мустақилликка эришгунга қадар тарих ва маданият ёдгорликларига муносабат икки йўналишда намоён бўлди. Биринчидан, бу даврда тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, сақлаш ва таъмирлаш-тиклаш ишларида вужудга келган муаммоларда инсон омили билан бирга, табиий-экологик вазият (Оролнинг зарарли оқибатлари, сизот сувларнинг ер бетига кўтарилиши, зилзилалар) ҳам салбий таъсир этди. Бундан ташқари, соҳага мутасадди ташкилотлар томонидан тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилаётган бир пайтда, бошқа баъзи муассасалар (аграр соҳа, қурилиш, савдо-кооператив ташкилотлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, ҳарбий қисмлар, айрим ҳолатларда соҳага мутасадди ташкилотларнинг ўзлари) томонидан ёдгорликларга катта зарар етказилди. Иккинчидан, 80-йилларнинг биринчи ярмида маъмурий-бўйруқбозлик тизими ўзининг энг юқори нуқтасига чиқди. Бу даврда Ўзбекистондаги маданий-маърифий соҳаларнинг барча бўғинлари сингари, тарихий-маданий ёдгорликлар муҳофазаси ва сақланишига мутасадди давлат идоралари ҳам марказнинг қатъий бўйруқ ҳамда кўрсатмалари асосида иш олиб бордилар. Бу даврда кўҳна обидалар, айниқса, меъморчилик иншоотларининг асл мазмун-моҳиятидан беғоналаштирилиб, бошқа мақсадларда фойдаланиш кучайди. 80-йилларнинг иккинчи ярмидан эса, маъмурий-бўйруқбозлик тизими маълум даражада бўшашди. Миллий маданият, миллий қадриятлар, тарихий хотирани тиклаш, халқнинг миллий ўзлигини англаш борасида илк қадамлар қўйилди. Энг асосийси, маданий меросга, унинг таркибий қисми бўлган кўҳна ёдгорликларга муносабат ўзгара бошлади. “Қайта қуриш” йилларида ҳукумат ошқораликка бир оз йўл қўйиши натижасида, маданий меросга нисбатан давлат сийсатининг нуқсонлари, ёдгорликлар муҳофазаси, таъмирлаш-тиклаш ишларидаги камчиликлар, йўл қўйилган хатолар ошқор бўлди. Натижада, муаммоларни бартараф қилиш борасида айрим чора-тадбирлар амалга оширила бошланди.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликлар билан бирга, айрим ижобий ҳолатлар ҳам кўзга ташланди. Масалан, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Али ибн Синоларнинг таваллуд саналари, Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан Хива, Бухоро, Самарқанд шаҳарларидаги кўплаб тарихий-маданий ёдгорликлар таъмирланган. Шу билан бирга, ёдгорликларни илмий ўрганиш муаммолари бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилган. Масалан, Г.А.Пугаченкова, М.А.Салимов, Ф.М.Ашрафий, П.Ш.Зоҳидов, И.В.Исроилов, К.С.Крюков, И.М.Азимов каби санъатшунос, меъмор олимлар

¹³ Исроилов И.В., Зоҳидов П.Ш. Научный центр реставрационного дела // Строительство и архитектура Узбекистана. 1981. № 6. – С. 6-8.

Ўз тадқиқотларида тарихий-маданий ёдгорликларни илмий тадқиқ этиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратганликлари диссертацияда ўз аксини топди.

I бобнинг иккинчи параграфи “Совет тузуми даврида тарихий ва маданий ёдгорликлардан фойдаланишнинг шакл ва усуллари” дб номланган бўлиб, ишнинг бу қисмида тадқиқ этилаётган даврда тарихий-маданий ёдгорликларнинг аксарияти ўз тарихий функциясидан бегоналлаштирилиб, тузумнинг мафкуравий қарашларига мослаштирилганлиги, тарихий иншоотлардан уларга хос бўлмаган бошқа мақсадларда (атеистик музейлар, клуб ва кинотеатрлар, меҳмонхона ва ресторанлар, омборхоналар, ишлаб чиқариш бинолари, молхона, ҳағтоки, қамоқхона сифатида) фойдаланилганлиги тегишли маъбалар асосида очиб берилган.

Ўша пайтларда Бухоро вилоятидаги тарихий ва маданий ёдгорликларнинг қанчаси бошқа мақсадларда фойдаланилаётганлиги ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун айрим рақамларни келтириш урииндир. Вилоятда 736 та ёдгорлик мавжуд бўлиб, улардан 237 таси меъморчилик обидалари, 331 таси археологик объектлар, 163 таси тарих ва маданият ёдгорликлари эди¹⁴. Шундан (31 июль 1987 йилдаги маълумотларга кўри) 12 та меъморий ёдгорликдан маданият соҳасида (кутубхона, клуб муассасаси, мусиқа мактаби), 35 тасидан эса савдо ва маиший хизмат соҳасида фойдаланилган¹⁵. Демак, меъморий обидаларнинг 20 фоизидан бошқа мақсадларда фойдаланилган.

Айнан шу мазмундаги ҳужжатлардан яна бирида куйидагича маълумотларни ўқиймиз: “Ҳисобот даврида таъмирланган архитектура ёдгорликлари ресторан, кафе, чойхона, ошхона, сувенир (совғалар) магазини, алоқа бўлими ва бошқа мақсадларга мослаштирилиб, фойдаланиш учун топширилди. Абдулазизхон мадрасасида концерт зали, Ўзи бпр. Улуғбек мадрасасида эса чет эллик сайёҳлар учун кинозал ташкил қилинди”¹⁶.

Бухорода жойлашган меъморчилик ёдгорликларидан яна қанчаи ҳужжатларда қайд этилмаган ҳолда бошқа мақсадларда фойдаланилган, натижада уларнинг тарихий қиёфаси бузилиб, бу ерда жойлашган корхона ва муассасанинг иш фаолиятига мослаштирилган. Бундай ҳолат республиканинг барча вилоятлари хос воқелик эди. Масалан, Шоҳи Зинда мажмуусида ўша пайтда дахрийлик (атеистик) музейи очилган эди. Дин тарихи ва дахрийлик музейлари бошқа шаҳарларда, жумладан Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси, Намангандаги Хужа Қабри, Тошкентдаги Занги ота ёдгорликларида ҳам очилган эди¹⁷. Шу тариқа, кўҳна ёдгорликларнинг аксарият қисми, ўз функциясидан

¹⁴ Бебаҳо ёдгорликлар (Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти Бухоро вилоятги совети президиуми раиси З.О.Ҳотамова билан суҳбат) // Совет Ўзбекистони санъати. 1981. № 7. – Б. 10-11.

¹⁵ ЎзМА, 2296-фонд, 7-руйхат, 58^а-иш, 94-варақ.

¹⁶ ЎзМА, 2296-фонд, 7-руйхат, 58^а-иш, 720-варақ.

¹⁷ Новоселова К. Памятники архитектуры Узбекистана (изучение, охрана, реставрация). –Ташкент, 1967. – С. 39.

беғоналаштирилиб, улардан аҳоли ўртасида дахрийлик тарғиботини олиб бориш мақсадида фойдаланилди.

Самарқанд ва Бухоро вилоятларида меъморчилик ёдгорликларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотда ҳам юқоридаги сингари маълумотлар келтирилади: “Самарқанд ва Бухоро вилоятлари худудларида дастлаб диний маросимлар учун қурилган ноёб ҳашаматли бинолар жойлашган. Ёдгорликларни муҳофаза қилиш органлари жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёдгорликларда мунтазам равишда зўр куч-гайрат билан динга қарши тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бормоқда. Мазкур иншоотларнинг, коммунизм учун хизмат қилувчи, янги вазифаларини аниқлаш — биринчи даражали масала. Демак, ҳозирги вақтда Самарқанддаги Регистонда Самарқанд шаҳрини таъмирлаш тарихи музейи, кўчма тематик кўргазма жойлашган, Шердор мадрасаси ҳовлисида ланар ансамбли чиқишлари ўтказилмоқда; Бухоро шаҳридаги Нодир Девонбеги хонақосида атеистик кўргазма фаолият кўрсатмоқда”¹⁸.

Тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш ишлари аксарият ҳолларда, марказнинг буюртмаси асосида, ўша (асосан, меъморчилик обидаларини) иншоотларни тарихий ёдгорлик сифатида эмас, балки бошқа мақсадларда фойдаланишга мослаштириш билан биргаликда олиб борилди. Масалан, Хива шаҳридаги Муҳаммад Аминхон мадрасаси 230 ўрнили меҳмонхонага мослаштирилган эди¹⁹. Бу эса ёдгорликнинг тарихий қиёфасига путур етказди.

Диссертацияда ўша даврда тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва тиклаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилган бўлса-да, булар аксарият ҳолларда марказнинг буюртмаси асосида, ўша (асосан меъморчилик обидаларини) иншоотларни тарихий ёдгорлик сифатида эмас, балки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мослаштириш билан биргаликда олиб борилганлиги, бунинг натижасида кўплаб меъморчилик обидалар лойиҳаларининг ўзгартирилиши, уларни ўз мазмун-моҳиятидан беғоналаштирилиши, тарихий кадр-қиммати пасайтирилиши, ҳатто, тарихий ёдгорлик сифатидаги хусусиятларини бутунлай йўқотганлиги кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг “Тарихий ва маданий ёдгорликларга давлат ҳамда жамият муносабатининг ўзгариши” деб номланган иккинчи бобида асосий эътибор Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш, муҳофаза қилиш, таъмирлаш-тиклаш ва улардан фойдаланишга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгаришига, бу борада олиб борилган давлат сиёсатига, соҳа бўйича белгиланган вазифалар ҳамда уларнинг амалий натижаларига қаратилган. Жумладан, ушбу бобнинг “Истиқлол йилларида тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқий асосларининг яратилиши” деб номланган биринчи

¹⁸ ЎзМА, 2296-фонд, 7-руйхат, 53^а-иш, 98-варақ.

¹⁹ Ашрафи Ф.М., Крюков К.С. Итоги X пятилетки и перспективы развития органов охраны и пользования памятников культуры XI пятилетки // Строительство и архитектура Узбекистана. 1981. № 6. — С. 4.

параграфда бу соҳага доир қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниш жараёни баён қилинган.

Тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш, муҳофаза қилиш, улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий меъёрлари собиқ совет тузуми даврида ҳам мавжуд эди. Жумладан, “Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг Низоми²⁰ ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган эди. Лекин, бу ҳужжатлар марказ (Москванинг – Р.М.) манфаатларига мос равишда, коммунистик мафкура тамойиллари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, республикадаги тарихий-маданий ёдгорликларнинг том маънодаги ҳимоячисига айланмади. Масалан, коммунистик мафкура тамойиллари “Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда асосий объект – “тарихий ёдгорликлар” атамасига изох беришда яққол намоён бўлди. Бу қонунда “тарихий ёдгорликлар – халқ турмушидаги энг муҳим тарихий воқеалар билан, жамият ва давлатнинг ривожини революцион ҳаракат билан, Улуғ Октябрь социалистик революцияси, граждандар уруши ва Улуғ Ватан уруши билан, социалистик ва коммунистик қурилиш билан, халқаро бирдамликни мустаҳкамлаш билан, шунингдек фан ва техниканинг, халқлар маданияти ва турмушининг ривожини билан, атоқли сиёсий, давлат, ҳарбий арбобларнинг, халқ қаҳрамонларининг, фан ва санъат арбобларининг ҳаёти билан алоқадор бўлган иморатлар, иншоотлари, эсдалик жойлар ва нарсалардир”²¹, – деб белгилаб қўйилган эди. Бу ерда тарихий-маданий ёдгорликларнинг Ўзбек давлатчилиги тарихида, қолаверса, жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни, меъморчиликдаги асрий миллий анъаналар, меъморий иншоотларнинг тарихий аҳамияти ҳақида ҳеч қандай таъсиф берилмаган эди.

Мазкур параграфда совет дaшри ва истиқлол йилларида тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш, муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатларнинг қиссий таҳлили берилган. Бундан ташқари, бу соҳада халқаро ҳужжатларнинг парламент томонидан ратификация қилиниши ва халқаро ҳамкорлик масалаларига ҳам эътибор қaratилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “Мустақиллик йилларида тарихий ва маданий ёдгорликларни тиклаш ҳамда сақлаш борасида амалга оширилган ишлар” деб номланган бўлиб, унда истиқлол йилларида республикада тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш тиклаш, давлат муҳофазасига олиш масаласида амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор

²⁰ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг “Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Қонуни. Тўққизинчи чақирғи Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессиясида 1977 йил 21 декабрда қабул қилинган, 1978 йил 1 майда амалга қaratилган. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. 78 ФБ АН УзССР 607-12; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “СССР Министрлар Советининг “Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида” 1982 йил 16 сентябрдаги 865-сон қарори” юзасидан 1982 йил 1 октябрдаги 663-сон қарори; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг Устави тўғрисида” 1986 йил 19 декабрдаги 598-сон қарори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988. 88 ФБ АН УзССР 159-40.

²¹ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. 78 ФБ АН УзССР 607-12. 6-модда.

қаратилган. Жумладан, маданий мерос объектларини сақлаш, таъмирлаш-тиклаш борасида амалга оширилган ишларга доир рақамли маълумотлар келтирилган бўлиб, унда вилоятлар кесимида турли йилларда сарфланган маблағлар динамикаси очиб берилган.

Ўзбекистондаги 180 дан ортиқ халқаро сайёҳлик йўналишларининг 140 дан зиёди айнан тарихий-маданий мерос объектлари билан боғлиқ. Шунинг учун кейинги йилларда маданий мерос объектларини таъмирлаш ва реставрация қилиш ишларига ажратиладиган маблағлар сезиларли даражада оширилди. Республика бюджети ҳисобидан 2016 йил 67 та маданий мерос объектларида 22831,062 млн сўмлик, 2017 йил 45 та маданий мерос объектларида 28848,1 млн сўмлик, 2018 йил 72 та маданий мерос объектларида 47569,5 млн сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди²². 2019 йилда эса бу ишларга 67 млрд сўм маблағ ажратилди²³.

Бундан ташқари, мазкур параграфда архив материалларига таянган ҳолда тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш-тиклаш, шунингдек мазкур ишларга қатор халқаро ташкилот ва жамғармалар кенг жалб қилинганлиги ҳақида сўз юритилади. Истиқлол йилларида меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш-тиклаш билан бир қаторда, тарихий шахслар ва шаҳарлар юбилейлари муносабати билан турли монументал асарлар, ёдгорликлар, мажмуалар, йирик иншоотлар қурилиши кенг қўламда олиб борилганлиги қайд этилди. Айни вақтда кўҳна шаҳарлар тарихий марказларини сақлаб қолиш, улардаги меъморчилик обидаларини умуминсоний қадриятлар сифатида Бутун жаҳон мероси рўйхатига киритиш, мазкур шаҳарлар ташкил топган саналарни республика ва халқаро миқёсларда нишонлашга эътибор қаратилмоқда. Хива, Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқанд каби шаҳарларнинг тарихий марказлари аллақачон умуминсоний қадриятлар сифатида Бутун жаҳон мероси рўйхатига киритилганлигини қайд этиш лозим.

Диссертациянинг “Мустақиллик йилларида тарихий ва маданий ёдгорликлардан фойдаланишнинг такомиллашиб бориши” деб номланган учинчи бобда тарихий-маданий ёдгорликлардан фойдаланишнинг янги ишлаб чиқилган механизми, уларнинг халқаро туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ўзига хос ташриф қоғози сифатида аҳамияти таҳлил қилинган. Жумладан, ушбу бобнинг биринчи параграфи “Тарихий ва маданий ёдгорликлардан маънавий-маърифий мақсадларда фойдаланиш масалалари” деб номланиб, унда ушбу масалаларга эътибор қаратилган. Масалан, 1991–2009 йиллар мобайнида турли мавзуларда халқаро миқёсда 25 та²⁴ тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирлар республикадаги шаҳарлар,

²² Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаментида 2016–2018 йилларда олиб борилган таъмирлаш-тиклаш ишлари ҳақидаги электрон маълумотдан.

²³ Маданий мерос объектларига оид қонун ҳужжатлари йиғини қониларлими? // Халқ сўзи. 2018. 21 декабрь. № 264.

²⁴ Каримов И.А. “Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажатимизнинг гаровидир” рисоласини ўргатиш бўйича ўқув қўлланма. – Тошкент. 2012. Б. 89–90.

тарихий шахслар ҳамда бевосита ёки билвосита тарихий-маданий ёдгорликлар билан боғлиқдир.

